



“Тасдиқлайман”

Сирдарё вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи

Б.Батыров

3” декабрь 2020 йил

## Сирдарё вилояти статистика бошқармаси Статистик регистрларни юритиш бўлими тўғрисидаги Низом

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Сирдарё вилояти статистика бошқармаси статистик регистрларни юритиш бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этишни тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда вилоят статистика бошқармаси деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг Низомига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим статистик регистрларни юритиш масалалари бўйича фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси, вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмалари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади), давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси ҳамда вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Сирдарё вилояти статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

### 2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатишда ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва бажариш, статистикани ташкил қилишнинг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш

*ва функционал тартибга солиш соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, вилоят статистика бошқармасининг иш режаси, бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва ижросини таъминлайди;

статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўрганган ҳолда узок муддатли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

Давлат статистика ишлари дастурининг статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш соҳасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш соҳасида давлат статистика принциплари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистика услубиётига риоя этилишини таъминлаш;

ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига бошқарма ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш.

*б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш соҳасида:*

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (кейинги ўринларда КТЯДР деб аталади) маълумотларини макроиқтисодий, тармоқ ва ҳудудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш жараёнида иштирок этиш;

иқтисодий-статистик классификациялар тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юритишда иштирок этиш;

умумдавлат ва ички идоравий статистик таснифлагичлар асосида юридик шахсларни идентификациялашнинг ягона принципларини таъминлаш;

давлат статистика соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда бошқарма ваколати доирасида иштирок этиш;

фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган талабига мувофиқ, статистика соҳаси бўйича ривожланаётган хорижий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш;

КТЯДР соҳасида халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатлар рейтинг баҳоларини тузиш учун фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни ташкил этиш, улар асосида шакллантириладиган ва тарқатиладиган статистик кўрсаткичлар таркибини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

жамиyat эҳтиёжларига мувофиқ КТЯДР соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради, халқаро тавсиялар асосида кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаларини доимий равишда такомиллаштиришни амалга оширишда иштирок этиш.

*в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг КТЯДР соҳасига оид қисмини бажарилишини таъминлаш;

юридик шахсларни ҳисобга қўйиш ва рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларга ўзгартиришлар киритиш бўйича ишларга услубий раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш;

КТЯДР маълумотлари электрон базасини юритиш ва бошқариш;

КТЯДРни ривожлантиришининг методологик асослари ва йуналишларини ишлаб чиқиш, ундаги маълумотларни актуал даражада сақлаш;

худудий статистика органларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида профилактика ишларини ташкил қилиш, ҳисобот ва ижро интизомини таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш, маъмурий амалиётни қўллаш борасидаги фаолияти мониторингини юритиш;

умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ статистик метамәълумотлар тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

тавсия этилган халқаро стандартлар асосида статистикада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

Давлат статистика қўмитасининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда статистик регистрларни юритиш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

КТЯДР соҳасига оид статистик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ, бошқарма иш фаолиятида шаклланган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш;

Давлат статистика қўмитаси бўлинмаларини статистик кузатув объектлари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш.

*г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини хизматлар статистикасига оид маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:*

давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда статистика ахбороти билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан қабул қилинган қарор, фармон ва фармойишлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

КТЯДР соҳаси бўйича очик статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш учун ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш;

хорижий статистика органлари билан КТЯДР соҳаси бўйича очик статистик ахборотларни алмашиш, вилоятнинг ривожланиши тўғрисида материалларни халқаро статистик тўпламларда чоп этиш учун ахборотларни тайёрлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун КТЯДР соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва

пресс-релизлар тайёрлаш;

КТЯДР соҳасига оид статистик маълумотлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш.

д) *Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрива статистика ишларини ташкил қилиш учун зарур иқтисодий-статистик классификацияларни юритиш соҳасида:*

ягонатизими асосида юридик шахсларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва идентификациялашни, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда ривожлантиришни таъминлаш;

статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификаторларни ишлаб чиқаришда ҳамда юритишда, халқаро стандарт классификаторлар асосида уларнинг мунтазам равишда қайта кўриб чиқилишда иштирок этиш;

ўзаро мос ахборот тизимларини ва ресурсларини яратиш учун асос сифатида статистик классификаторлардан фойдаланишни таъминлаш;

интернет-ресурсларга жойлаштириш йўли билан статистик классификаторлар ва уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида ахборотларни фойдаланувчиларга тақдим этиб бориш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика қўмитасининг иш режаларини, бошқарма иш режасини, бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва ижросини таъминлайди;

Давлат статистикасини ташкил этиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ҳужжат лойиҳаларини белгиланган тартибда Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармасига ҳамда тегишли органларга киритиш бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этади;

Бўлимнинг иш усулларини янада такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва муносабат билдириш, ходимларнинг юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун масъулиятларини оширади;

КТЯДРни актуаллаштириш ва тасарруф этиш, КТЯДРдаги корхоналар ва ташкилотлар маълумотларини киритишда юзага келган хатоларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар тайёрлайди;

корхоналар ва ташкилотлар ҳақида белгиланган тартибда тўлиқ ва аниқ маълумотлар билан давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда бошқа фойдаланувчиларни таъминлайди;

КТЯДР маълумотлар базасининг архив нусхаларини сақлашни амалга оширади;

давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, солиқ органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

рўйхатдан ўтказувчи органлардан келиб тушадиган КТЯДР маълумотлари билан ишлашни амалга оширади;

КТУТ кодларини бириктирилиши ва уни тақрорланишини назорат қилади;

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари таркибига кирувчи тузилмалар бўйича

солиштириш ишларини амалга оширади;

КТЯДР фойдаланувчиларига ахборот-маълумотнома хизматини кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

КТЯДРдаги классификациялаштириш кўрсаткичларини давлат статистика кузатувларини ўтказиш жараёнида олинган дастлабки статистика маълумотлари асосида ўз вақтида ўзгартиришни амалга оширади;

статистикамақсадлари учун зарур бўлган статистик классификаторлар ва номенклатуралар тизимини юритади ва уларга ўзгартиришлар киритади, халқаро стандарт классификаторлар асосида уларнинг мунтазам равишда қайта кўриб чиқилишини амалга оширади;

КТЯДРнинг ахборот ресурсига статистик таснифлагичларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш борасида КТЯДРни юритиш методологиясини такомиллаштиришни амалга оширади;

статистик регистр соҳасига оид махфий статистик маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлайди;

худудий статистика органларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим томонидан ишлаб чиқиладиган статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги, холислиги, тезкорлиги, комплекллиги ва тизимлилигини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Бўлим ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### **3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат статистика қўмитаси, вилоят статистика бошқармаси бўлимлари ва худудий статистика органларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

КТЯДР соҳасидаги ишларни ташкил этиш самарадорлигини ошириш соҳасида Давлат статистика қўмитаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

КТЯДР маълумотлар базасининг тузилиши ва дастурий таъминотига ўзгартиришлар киритиш;

давлат статистикаси соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, КТЯДР методологияси ва методикасини ишлаб чиқиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Ўз ваколати доирасида Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ статистик ишланмаларни тайёрлаш муддатларига амал қилинишини назорат қилиш;

худудий статистика бошқармалари томонидан КТЯД соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

таркибий тузилмаларни юритиш масаласи бўйича вазирлик ва идоралар вакиллари билан биргаликда ишлаш;

фойдаланувчиларга белгиланган тартибда КТЯДР ва статистик регистрлардаги маълумотларни тақдим этиш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар юзасидан вилоят статистика бошқармаси бўлимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишларда қатнашиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

КТЯДРни қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилишини таъминлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### **4-боб. Бўлимнинг тузилмаси**

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига бўлим бошлиғини, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва етакчимухандис-дастурчини олади.

11. Бўлимга бўлимбошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи ва бўлим мутахассислари Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Статистик регистрларни юритиш бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

статистика мақсадлари учун зарур статистик таснифлагичлар тизимини юритиш ва уларга ўзгартиришлар киритишда иштирок этиш ;

худудий статистика органлари, вилоят статистика бошқармаси бўлимлари ва манфаатдор фойдаланувчиларга статистик таснифлагичларни ўзлаштиришда методик амалий кўрсатиш;

КТЯДР ахборот ресурсида статистик таснифлагичлардан фойдаланиш борасида КТЯДРни юритиш методологиясини такомиллаштириш;

статистик ахборотларни йиғиш ва автоматлаштирилган қайта ишлаш жараёнига халқаро стандартларга мос классификацияларнинг стандарт тизимини босқичма-босқич жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш.

#### **5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

14. Бўлим иши Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Сирдарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисида Низоми, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси ҳамда бошқарма бошлигининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг иш режалари, ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Сирдарё вилояти статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлигининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларининг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлигининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

#### **15. Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлигининг ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вилоят статистика бошқармасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек Сирдарё вилояти статистика бошқармаси раҳбариятининг топшириғига биноан Бошқарматасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳларва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

КТЯДР соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишида иштирок этади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Давлат статистика қўмитасининг ва бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиши;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

16. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим бош мутахассиси бажаради.

#### **17. Бўлим бош мутахассиси:**

Худудий статистика бошқармалари томонидан Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этади;

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат Статистика қўмитаси ҳамда Сирдарёвилоят статистика бошқармаси қарорлари, фармойишлари ва баённомалари топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифларини биргаликда умумлаштиради;

амалдаги Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юртиши бўйича қўлланмани методологиясини такомиллаштириш, бошқарма бўлимлари ва худудий статистика органларининг таклифларини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) ҳамда бошқарманинг бўлимларида ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни белгиланган тартибда олишда ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланишда иштирок этади;



Бириктирилган ҳудудий статистика органлари томонидан КТЯДРни юритиш бўйича ишларни ташкил этиш, улардаги Статистик регистрларни юритиш фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилиш, рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан бериладиган билдиришномаларни ва статистик кузатувлар натижасида олинган маълумотларни ўз вақтида КТЯДРга киритишни таъминлайди;

“КТЯДР ва СТИРЯРда ҳисобда бўлган юридик шахслар бўйича электрон кўринишда идоралараро маълумот алмашиш тартиби”ни ижроси бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш ва ҳар чоракда тегишли ахборотлар асосида умумлашган маълумот тайёрлайди;

тегишли функционал масалалар бўйича КТЯДР (ҳужжатлар, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва х.к.) тизимлаштирилган электронмаълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бўлимларига ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

бошқарма бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган методик ҳужжатларни, шунингдек бошқарма бўлимлари ва ҳудудий статистика органлари тайёрлаган иш режалари ва бошқа материалларни Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, регламентлари ва вилоят бошқармасининг бошқа қарорлари талабларига, шу жумладан уларни расмийлаштириш талабларига, мос келишини экспертиза қилади;

ҳудудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

Бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

жамоанинг меҳнат фаолиятига фаол иштирок этади;

КТЯДРга оид ҳужжатлар ва йўриқномалар билан ишлаш тажрибасини мунтазам ошириб боради;

рахбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **18. Бўлим етакчи мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

КТЯДР соҳаси бўйича динамик каторларни юритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат Статистика қўмитаси ҳамда Сирдарё вилоят статистика бошқармаси қарорлари, фармойишлари ва баённомаларитопшириқларидан

келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича бошқарма бўлимларининг таклифларини умумлаштиришда иштирок этади;

амалдаги статистика методологиясини такомиллаштириш, статистик инструментарийни тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича бошқарма бўлимлари тақдим этган таклифларни умумлаштиради, зарур тахлилий материаллар тайёрлайди;

тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (ҳужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

КТЯДР соҳаси бўйича статистик тўпламлар учун маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

ҳудудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишда иштирок этади;

Бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бўлимларига ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

иш юритишни олиб боради, Бўлимда ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

рахбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **19.Бўлим етакчи муҳандис-дастурчиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, статистик ахборотлар, бюллетенлар, тўпламлар ва маърузалар, иқтисодий ёзишмалар учун маълумотлар тайёрлаш учун шахсан жавоб беради;

Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими “Reg-System”ни мунтазам ишлашини ва ундан фойдаланувчиларга тегишли ҳуқуқларни расмийлаштиришни таъминлайди;

Бошқарма тармоқ бўлимларига Статистик регистрларни шакллантириш учун КТЯДР асосида каталоглар шакллантириш ва статистик кузатувлар натижасида олинган маълумотларни КТЯДРга киритишни таъминлайди;

КТЯДРда фойдаланиладиган умумдавлат таснифлагичлари ва идоравий статистик маълумотномаларни ўз вақтида янгилаб бориш;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлимларига ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

рахбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.